

Кўчада бир лўли аёл мени тўхтатиб унга ёрдам беришимни сўради. Аёлга пул берган ЭДИМ

21:22 / 27.04.2016 4978

Кўчада бир лўли аёл мени тўхтатиб унга ёрдам беришимни сўради. Аёлга пул берган эдим у мени дуо қилди. Дуога қўшилиб қўлларимни очиб турдим. Кейин эса кетаётган эдим бошқа бир аёл мени уришиб: «Садақа олган одамнинг дуосига қўшилиб турилмайди, ёмон бўлади» деди. Илтимос, шу вазиятни таҳлил қилиб берсангиз.

Бу саволда зикр қилинган вазият, ҳолат бугунги кунда диний масалаларда, диний тушунчалар бўйича кенг тарқалган оммавий саводсизликни, билимсизликни, жоҳилликни бир кўринишидир. Диний таълимотдан беҳабарлик оқибатида, уни тартибли ўрганмаслик оқибатида жуда ҳам кўп бидъад, хурофот Исломига ёд бўлган тушунчалар, мусулмончилик таълимотлар сифатида, шу бўёққа бўялган ҳолда одамларни тушунчасига ўрнашиб қолган, кириб қолган. Шу билан бирга яна асосини билмаган, тўғри гапиряптими, нотўғри гапиряптими уни билолмайдиган кишилар, бировларга "бу ёмон бўлади, бу яхши бўлади, бу савоб бўлади, бу гуноҳ бўлади", деган гапларни бемалол, тортинмасдан қаттият билан айтиш одат тусига кирганлиги мана шу саволни ўзида ўз аксини кўрсатиб турибди. Бировга яхшилик қилиб, дуосини олмоқчи бўлсаю, ўша яхшилик қилинган инсон яхшилик қилувчининг ҳаққига дуо қилаётганда, бу яхшиликни эгаси нима учун қўшилиши мумкин эмас. Нима учун қилинаётган дуога "омин" деб ўзини ҳаққида бир яхшиликни Аллоҳ қабул қилишини сўраши мумкин эмас, бу мутлақо нотўғри бир гап. "Садақани олган одамнинг дуосига қўйрилиб турилмайди" деган гап асоси йўқ, манбааси йўқ, ҳужжати йўқ, далили йўқ ўзича айтиб қўйилган бир гап ҳисобланади. Бундай нарсаларни билиб-билмасдан гапиравериш керак эмас. Динда йўқ шариатда йўқ, Илом таълимотида йўқ, Қуръонда, ҳадисда, уламоларнинг гапларида йўқ гапларни "бу ёмон, бу яхши, бу ҳалол, бу харом" деб тахмин асосида, билимсизлик асосида гапириб бориш, фақат ўша гапни айтаётган одам эмас, мана бу саволда каби ундан эшитган, нақл қилган одамларни ҳам фикрини, билимини, бузадиган тўғри нарсани қолиб, нотўғри тарафга йўллаб қўядиган бир кўнгилсиз ҳолат бўлади. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўлишимиз керак, бундай нарсаларни

тушуниб бориш учун диний китоблардан ўқиб, уламоларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ҳужжатли, далилли, асоси бор гапларни саралаб, асосизларини тарк қилиб боришга ўтишимиз билан иншооллоҳ барҳам топади.